


IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

Жорий даврда 1 816,9 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 138,2 % ни ташкил этди.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 157,8 % ёки 227,5 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 12,5 %) ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1 589,4 млрд. сўм ёки 2020 йил январь-мартига нисбатан 135,7 % (жами инвестициялардаги улуши 87,5 %) ни ташкил этди.



**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган
инвестициялар**
(2021 йил январь-март)

	млрд. сўм	ўсиш суръати фоиз, %	ҳажмга нисбатан % да
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар	1 816,9	138,2	100,0
Марказлашган инвестициялар:	227,5	157,8	12,5
Бюджет маблағидан	140,5	2,2 м.	7,7
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	19,3	-	1,1
Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бўлган чет эл кредитлари	59,2	78,6	3,2
Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	8,5	143,2	0,5
Марказлашмаган инвестициялар:	1 589,4	135,7	87,5
Корхона ўз маблағлари	617,9	2,1 м.	34,0
аҳоли маблағлари	196,7	94,9	10,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	517,0	115,3	28,5
тижорат банки кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	257,8	111,0	14,2


Марказлашган инвестициялар манбалари бўйича улуши, % да
(2021 йил январь-март)



Марказлашмаган инвестициялар манбалари бўйича улуши, % да
(2021 йил январь-март)



Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар
(жасами ҳажмдаги улуши, % да)




Асосий капиталга инвестицияларнинг энг юқори кўрсаткичи тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар маблағи хисобига тўғри келиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 110,1 % ни ташкил этди.


Худудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар

Шаҳар ва туманлар	Жами		шу жумладан: хорижий инвестиция ва кредитлар	
	млрд. сўм	ўсиш суръати, %	млрд. сўм	ўсиш суръати, %
➤ Вилоят бўйича:	1 816,9	138,2	576,2	110,1
шахарлар:				
➤ Андижон	377,9	98,2	130,9	105,4
➤ Хонобод	26,5	65,0	3,7	10,7
туманлар:				
➤ Олтинкул	160,0	3,8 м.	21,3	4,1 м.
➤ Андижон	120,3	18,5	44,9	3,9 м.
➤ Балиқчи	70,1	2,6 м.	0,2	1,2
➤ Бўстон	33,0	158,4	9,5	76,1
➤ Булоқбоши	50,2	162,4	5,6	36,2
➤ Жалақудук	114,2	4,1 м.	6,7	4,3 м.
➤ Избоскан	35,7	43,1	6,2	4,0 м.
➤ Улуғнор	56,2	93,2	5,3	27,6
➤ Кўргонтепа	115,7	102,6	16,8	36,8
➤ Асака	272,3	3,0 м.	228,7	4,9 м.
➤ Марҳамат	89,4	2,3 м.	22,8	2,2 м.
➤ Шаҳрихон	84,4	185,4	13,0	3,2 м.
➤ Пахтаобод	54,5	119,0	13,7	55,6
➤ Хўжаобод	156,5	78,5	46,9	31,0

Худудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари, % да




Худудлар кесимида жами асосий капиталга инвестициялар улуси, % да




Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	Жами	Шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича	
		давлат	нодавлат
Жами, млрд. сўм	1 816,9	209,3	1 607,6
<i>шу жумладан:</i>			
умумий ҳажмга нисбатан, % да	100,0	100,0	100,0
<i>машина, ускуналар, транспорт воситалари ишилаб чиқарии ва хўжалик жихозлари</i>	66,0	14,5	72,7
курилиш-монтаж ишлари	25,4	80,7	18,2
бошқа харажатлар	8,6	4,8	9,1

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби, млрд. сўм




Асосий капиталга инвестицияларнинг тақорор ишлаб чиқариш таркиби, % да



2021 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг катта қисми кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қуроллантиришга йўналтирилган. Ушбу йўналишдаги инвестициялар ҳажми 1 185,5 млрд. сўмни ташкил этиб, жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 65,3 % ни ташкил этди.


Мавжуд янги қурилишга йўналтирилган инвестициялар 423,6 млрд. сўмни ташкил этди ва вилоятда жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 23,3 % ни ташкил этди, 207,8 млрд. сўм (11,4 %) бошқа харажатларга йўналтирилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, млрд. сўм



Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори кўрсаткичлари иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланди: қайта ишлиш саноати жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 928,9 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 51,1 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 196,4 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 10,8 %, улгуржи ва чакана савдо соҳасида 55,9 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 3,1 %, курилиш соҳасида 59,4 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 3,3 %, ташиш ва сақлаш 26,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 1,4 %, ҳамда бошқа фаолият турлари бўйича 436,9 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 24,1 фоизи ўзлаштирилди.

Иқтисодий фаолият турлари бүйича асосий капиталга инвестициялар таркиби



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бүйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда 928,9 млрд. сўм ўзлаштирилиб, жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 51,1 % ташкил этди.

2021 йил январь-мартида умумий майдони 123,6 минг кв.м. (2020 йилнинг мос даврига нисбатан 126,4 %) бўлган 1 030 хонадонга эга бўлган турар - жойлар, улардан 72,6 минг кв.м. (111,3 %) бўлган 721 та хонадонлар қишлоқ жойларда ишга туширилди.



Бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари (2021 йил январь-март ойлари)

Жорий йилнинг январь-март ойларида Андижон вилоятида жами 944,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 111,0 % ни ташкил этди.




Қурилиш ишлари ҳажмининг таркиби ва улуши (2021 йил январь-март ойлари)



Амалга оширилган қурилиш ишлари мулкчилик шакли, давлат ва нодавлат бўлган корхона ва ташкилотлар таркиби бўйича бўлинади.

Қурилиш ишлари ҳажми йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда норасмий секторларда амалга оширилган ишлар таркиби бўйича шакилланади.



Маълумот учун: қурилиши ишлари ҳажми бу – ўз қучи билан бажарилган қурилиши ишлари, янги қурилиши, капитал ва жорий таъмирлаши ҳамда бошқа пудрат қурилиши ишлари натижасидир.


Жорий йилнинг январь-март ойларида, жами қурилиш ишлари ҳажми таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 30,5 млрд. сўмни ташкил этди. Қурилиш ишлари 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 86,4 % ни, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 3,2 % ни ташкил этди.



Маълумот учун: йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги энг кўп улуши Андижон шаҳар (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 35,1 % ни ёки 2020 йилнинг январь-март ойига нисбатан 106,0 %) га тўғри келади.



Курилиш ишлари умумий ҳажмида кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши, % да



Кичик корхона ва микрофирмалар


- 2021 йил январь-март
- 2020 йил январь-март

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2021 йил январь-март ойларида қурилиш ишларини бажарган бошқа ташкилотларга нисбатан ошганлиги кузатилди. Улар хиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 79,4 % тўғри келиб, 2020 йилнинг январь-март ойлари кўрсаткичига нисбатан 1,4 % пунктга кўпайди. Шунингдек, улар хиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 114,1 % ни ташкил этган ҳолда 749,7 млрд. сўм миқдорида қайд этилди.

Норасмий сектор ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,4 % ни ташкил этди ёки 164,1 млрд. сўм миқдорида қайд этилди. 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиши суръати 103,0 % ни ташкил этди.




Қурилиш ишлари умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши



Давлат мулкчилиги шаклидаги ташкилотлар томонидан жами 40,0 млрд. сўм ёки 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 119,4 % қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан эса 904,2 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 6,8 мартани ташкил этди.



Мулкчилик шакли давлат ва нодавлат бўлган ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш ишлари, % да



Давлат мулки



Нодавлат мулки



**Худудлар кесимида мулкчилик шакллари бўйича бажарилган
курилиш ишлари**
(2021 йил январь-март ойлари)

Курилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм	Давлат мулки		Нодавлат мулк*	
	млрд. сўм	улуши % да	млрд. сўм	улуши % да
Вилоят бўйича:	944,3	40,0	4,2	904,3
Андижон ш.	331,7	6,7	2,0	325,0
Хонобод ш.	29,8	-	-	29,8
туманлар :				
Олтинкўл	37,9	0,4	1,1	37,5
Андижон	127,2	14,7	11,6	112,5
Балиқчи	17,3	1,7	9,0	15,6
Бўйстон	41,3	0,4	1,1	40,9
Булоқбоши	15,7	2,1	13,5	13,6
Жалақудук	35,5	2,0	5,7	33,5
Избоскан	31,6	1,0	3,0	30,6
Улуғнор	17,0	2,1	12,3	14,9
Қўрғонтепа	30,0	2,1	7,0	27,9
Асака	30,7	0,4	1,2	30,3
Марҳамат	47,7	1,8	3,7	45,9
Шаҳрихон	86,3	2,1	2,5	84,2
Пахтаобод	32,9	0,9	2,8	32,0
Хўжаобод	31,7	1,7	5,4	30,0
				94,6

* Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда



Андижон вилояти иқтисодий фаолият турлари бўйича
қурилиш ишлари, % да

2020 йил январь-март

18,9

Ихтисослаштирилган
қурилиш ишлари



9,4

Фуқаролик
обектларини қуриш



71,7

Бино ва
иншоотларини қуриш



2021 йил январь-март

13,0

Ихтисослаштирилган
қурилиш ишлари



12,6

Фуқаролик
обектларини қуриш



73,7

Бино ва
иншоотларини қуриш



Маълумот учун: иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиши ишларининг
асосий қисми қурилиши, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган ҳамда яшаш учун
мўлжалланган бинолар қуриши бўйича амалга оширилган қурилиши ишларидан



Бино ва иншоотлар қурилиши

Бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 0,7 % ни ташкил этиб, 2020 йилнинг январь-март ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 0,7 % пунктга кўпайди.

Ушбу фаолият турида кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган улуш 2020 йилнинг январь-март ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 1,1 % пунктга кўпайиб, 75,7 % ни ташкил этди.

Норасмий секторнинг улуши эса 2020 йилнинг январь-март ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 0,4 % пунктга камайди, 23,6 % ни ташкил этди.





Фуқаролик обектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари

Фуқаролик обектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 12,2 % ни ташкил этди ва 2020 йилнинг январь-март ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 9,3 % пунктга кўпайди.


Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар улуши мос равища 87,8 % (9,2 % пунктга камайди).





Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 2020 йилнинг январь-март ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 11,4 % пунктга камайди ва 3,0 % ни ташкил этди. Қолган 97,0 % кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб, 2020 йилнинг январь-март ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 11,4 % пунктга қўпайди.





Худудлар кесимида қурилиш ишлари (2021 йил январь-март ойларида)

Энг юқори ҳажм (млрд. сўм)

Андижон ш.
331,7

1

2

Андижон т.
127,2

Шаҳрихон т.
86,3

3



Кичик ҳажм (млрд. сўм)

Балиқчи т.
17,3

Улуғнор т.
17,0

Булоқбоши т.
15,7

